

БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Олим Холмаматович НАРЗУЛЛАЕВ

профессор

юримдик фанлар доктори

Тошкент давлат юримдик университети

alimnarzullayev@yahoo.com

Тошкент, Ўзбекистон

ORCID: 0000-0003-0348-420X

Аннотация

Мақолада биологик хилма-хиллик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмонлардан фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик сиёсат, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган.

Таянч сўзлар: ҳайвонот дунёси, муҳофаза қилиш, оқилона фойдаланиш, экологик сиёсат, қарорлар, низомлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БИОЛОГИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ

Олим Холмаматович НАРЗУЛЛАЕВ

профессор

доктор юридический наук

Ташкентский государственный юридический университет

alimnarzullayev@yahoo.com

Ташкент, Узбекистан

ORCID: 0000-0003-0348-420X

Аннотация

В статье отражены вопросы, связанные с биологическим разнообразием, флорой и фауной, использованием лесов и обеспечением экологической безопасности, экологической политикой, рациональным использованием природных ресурсов.

Ключевые слова: животный мир, охрана, рациональное использование, экологическая политика, решения, положения, нормативно-правовые документы.

Мамлакатимизда ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланишни тартибга солиш асосан табиий ресурслар қонунчилиги доирасида, яъни ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар бўйича амалга оширилади. Бу фақат табиий эркинлик ҳолатидаги ёввойи ҳайвонлар учун амалда бўлади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан

фойдаланиш тўғрисида”(янги таҳрирда)ги қонунига мувофиқ, ҳайвонот дунёси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча турдаги ёввойи ҳайвонлар мажмуидир.

Фауна қонунчилиги билан тартибга солинадиган ҳайвонот дунёси объектлари ғоят кўп бўлиб, бугунги кунда қайси ҳайвонот дунёси объектлари унинг таркибига киришини бир қарашда аниқ тасаввур қилиш, ажратиш мушкул. Шубҳасиз, уларнинг маълум қисмини уй ва хўжалик ҳайвонлари ташкил этади. Кўпинча, уй ҳайвонлари ҳақида гапирганда, улар фуқароларнинг маданий-маърифий, тарбиявий, эстетик, иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Уларга, авваламбор мушук ва итлар, шунингдек майда кемирувчилар, қушлар, аквариум балиқлари, тошбақалар ва бошқалар киради.

Бундан ташқари, ҳайвонот дунёси объектлари билан боғлиқ бўлмаган ҳайвонларнинг турлари турли хил, махсус мақсадларда (кўнгилочар ва ўйин-кулги, илмий, хавфсизлик, ҳарбий ва ҳ.з. да) ишлатиладиган, спорт, хизмат, цирк, ҳайвонот боғи, лаборатория билан боғлиқ бошқа ҳайвонларни ўз ичига олади. Бундай ҳайвонларни муҳофаза қилиш қисман юқоридаги қонун билан тартибга солинади [1]. Ҳайвонот дунёси объектлари билан алоқадор бўлмаган, мулк сифатида эътироф этиладиган ҳайвонлар, уларнинг янги турдаги зотларини селекция, муаллифлик ҳуқуқи қоидалари асосида тартибга солувчи фуқаролик қонуни ва маъмурий қонунчиликда ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик учун жавобгарлик белгиланган.

Шу билан бирга, барча ҳайвонлар учун худди ҳайвонот дунёсининг объектлари сифатида ҳам қўлланиладиган махсус қонунчилик мавжуд. Буларга ҳайвонлар касалликларининг олдини олиш ва уларни назорат қилиш, ветеринария ва тиббиёт бўйича фаолиятни тартибга солишдан иборат бўлган қонунлар киради. Мамлакатимизда анъанавий равишда аграр қонунчилик таркибига киритилган ва ветеринария хизмати ёрдамида уй ҳайвонлари ва бошқа ҳайвонларни даволаш сўнгги йилларда ривожлана бошлади.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни муҳим ҳуқуқий асослардан биридир. Ушбу қонун қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда табиий эркинлик ҳолатида яшайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ва вақтинчалик турадиган ёввойи ҳайвонларни, шунингдек илмий ёки табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида ярим эркин шароитда ёки сунъий яратилган яшаш шароитида боқилаётган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Бу қонун ҳайвонот дунёсининг камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни ҳам тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда ҳайвонот дунёси билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Ушбу қонунда таъкидланишича, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бу қонун ҳажми ва мазмуни жиҳатидан жуда қисқа. Масалан, сувдаги биологик ресурслар, шунингдек, балиқчилик соҳасини тартибга солинадиган батафсил нормалар йўқ. Оқибатда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишига сабаб бўлмоқда. Умуман олганда, бу қонун ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга оид барча муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади деб айтолмаймиз. Хусусан, бу қонунда унинг асосий вазифалари ва мезонлари давлат ҳайвонот дунёси фонди, давлат овчилик-балиқ овлаш фонди, ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тамойиллари, ҳайвонот дунёси объектлари тури ҳисобланган (қундуз, ондатра, сув каламуши, нутрия ва ҳ.з) ёввойи сув қушларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларни ўзида тўлиқ акс эттирмаган. Шу нуқтаи назардан ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий

муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш зарур ҳисобланади.

Демак, олдимизда табиатни муҳофаза этиш ва ундан оқилона фойдаланиш вазифаси кескин бўлиб турибди ва бу соҳадаги энг муҳим вазифалар Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида акс этиши жоиз. Шунингдек, биринчи ўринда фаунадан фойдаланиш эмас, уни муҳофаза қилиш масаласи туриши керак. Бу қоида Ўзбекистон Республикасининг юқорида таъкидлаб ўтилган қонунида кўрсатилиши зарур.

Инсоният тамойилини атроф-муҳит қонунчилиги принциплари орасида қайд этадиган профессор М.М. Бринчукнинг фикрича, Россия Федерацияси қонунчилигида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказишнинг олдини олиш бўйича ҳаддан зиёд чора-тадбирлар назарда тутилган [4;23].

Қонунлар ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш учун ҳам фуқаровий ва маъмурий жавобгарликни белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, ўсимлик дунёси табиий муҳитнинг таркибий қисмларидан бири саналади. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида анъанавий тарзда, фақат ўсимлик дунёсининг таркибий қисмларидан бири, яъни ўрмонлар учун фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг батафсил қоидалари мавжуд. Табиийки, ўрмон ўсимлик дунёсининг энг катта ва энг қимматли қисмидир, инсоният тарихининг дастлабки даврларидан бошлаб у асосан ёғоч манбаи бўлган ва шунинг учун бу табиий ресурс ҳуқуқи ва унинг қўлланилиш услуби антик даврда пайдо бўлган.

Ўрмонлар ўзларининг иқтисодий аҳамиятини сақлаб қоладилар ва сайёрадаги кислороднинг асосий манбаи бўлиб, турли хил ҳайвонларнинг яшаш жойи, қушлар, ҳашарот ва бошқа мавжудотларнинг ҳаёт манбаи ҳамдир. Табиий биоценоз ердаги ҳаётни ифодаловчи ноёб табиий объектдир. Ерни қоплайдиган бошқа ўсимликлар ҳам тобора муҳим аҳамият касб

этнода. Шундай қилиб, илмий ва технологик тараққиётнинг ривожланиши биологик хилма-хиллик, яъни, мавжуд барча ҳайвонот ва наботот турлари, шунингдек уларнинг генетик ресурсларини излаш тинимсиз курашни талаб қилмоқда. Ўрмонлардан ташқари, бошқа ўсимликлардан ҳам табиий ресурс сифатида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда, уларни кўпайтириш ва муҳофаза қилиш, сақлаб қолиш борасида кескин чоралар кўрилмоқда

Ўсимлик дунёсига антропоген таъсирнинг ўсишини қуйидаги мисолда кўрсатиш мумкин: ўсимлик навларини кўпайтириш, генетик модификацияланган ўсимликлар, ёввойи ўсимликлар ўсиши, ўз-ўзидан тозаланиши, кўпинча тегишли майдонларга яқин бўлган катта ҳудудларда амалга оширилади ва бу (ўсимлик) генетикасида жиддий ўзгаришларга олиб келади [3;128]. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларда ҳаволалар мавжуд. Шу билан бирга, “ўсимлик дунёси” умумий атамаси – “ўсимлик дунёси объектлари” атамаси каби қонунчиликда кенг қўлланилаётгани эътиборга молик. Ўсимлик дунёси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитда ўсадиган ёки сунъий яратилган шароитларда етиштириладиган барча турдаги ёввойи ўсимликлар мажмуидир. Ўсимлик дунёси объектлари қуйидагилардан иборат: ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар; ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг яшаш фаолияти маҳсулотлари; ботаника коллекциялари. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш – ўсимлик дунёсининг яшаш фаолияти учун қулай шароитларни таъминлашга, унинг йўқ қилиб юборилишининг ёки унга бошқача зарарли таъсир кўрсатилишининг олдини олишга қаратилган фаолият эканлиги белгиланган. “Ўсимликлар ва уларнинг қисмлари ва генетик материаллар. Ген инженериясида янги нав ва зот яратиш учун бир турдаги ёки бир оиладаги ҳайвонлар ва ўсимликлар эмас, балки бир-биридан бутунлай узоқ тур ва оиладаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ўзаро ген инженерияси усулида

чатиштирилади ёки сунъий равишда ген ўзгартирилади. Натижада мутлақо инсон тасаввурига сиғиши қийин бўлган гибридлар ва мутантлар (масалан, фил ва туянинг, балиқ ва товукнинг, бўри ва қуённинг чатишмалари) юзага келади. Жаҳон жамоатчилигининг фикрича, бундай гибрид ва мутантларнинг яратилиши мавжуд табиий мувозанатни бузиши билан бирга инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, бундай тадқиқотларни ўтказишни тақиқлаш зарур.

Ген инженерияси табиат қонуниятларни билишда, тиббиётнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли хил соҳаларини мувофиқлаштириш ва уйғунлаштиришда, кўплаб экологик ва ижтимоий муаммоларнинг ечимини топишда инсоннинг имкониятларини кенгайтиради ва янги жиҳатларни касб этади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ген инженерияси соҳасидаги тадқиқотлар ютуқлари инсон ҳаёти, соғлиги ва турмуш шароитининг яхшиланиши учун бир қатор фойдали воситаларнинг яратилишини таъминлади. Зеро, келажакда ген инженерияси соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳар қандай касалликнинг олдини олувчи турли вакциналарни, касалликларни тез даволовчи дори-дармонларни тайёрлашда, янгидан-янги озиқ-овқат маҳсулотларини пайдо бўлишида асосий восита вазифасини бажаради.

М.М.Бринчукнинг фикрича, флорадан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидалари ўрмон қонунчилиги асосида тўлиқ амалга оширилади. Ўсимлик дунёсининг ўрмонлардаги объектлари ҳақида гап кетганда, унинг объектлари ҳақида қуруқликда, сувда, тоғ-кон қонунчилиги, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қонунчилиги билан қисман тартибга солинади [4;36]. Шунга қарамай, ўсимлик дунёсидан фойдаланиш билан боғлиқ айрим масалалар аграр қонунчилик билан ҳам тартибга солинади. Масалан, аграр муносабатлар билан боғлиқ бўлган ўсимликлар карантин соҳасидаги масалалар. Бунда карантинни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги ва бошқа ўсимликларнинг зараркунандаларига қарши курашни таъминлашга қаратилган.

Айтиш жоизки, ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида муносабатларни тартибга солиш зарурлиги масаласи кўтарилган [3;112]. Ушбу муаммоларни ўрганиш яқин қўшни мамлакатлар тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, улардан (Тожикистон, Молдова, Туркменистон, Белоруссия, Украина) ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича махсус қонунларга эга. Ўсимлик дунёси объектлари сифатида ушбу мамлакатларнинг деярли барчасининг қонунларида ўсимликлар ва уларнинг қисмларига ажратилади. Бундан ташқари, айрим ҳолларда улар: дарахтлар, популяциялар, ботаника коллекциялари, ўсимликлар жамоалари, ўсимликлар ўсадиган жойлар ҳам деб юритилади.

Юқорида қайд этилган мамлакатлар қонунларининг аксарияти табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни, шунингдек маданийлашган ўсимликлар, уларни қайта тиклаш ва генетик фондини сақлаб қолишни тартибга солади. Яъни “ёввойи ўсимликлар” атамаси кўпгина қонунларда кенг тушунилади. Масалан, Туркменистоннинг “Ўсимлик дунёси тўғрисида”ги қонуни ёввойи ўсимликлар ва бошқа ўсимликлар ўз турларини сақлаб қолиш учун табиий ёки маданий назорат остида бўлган шароитларда ўсадиган ўсимликлар эканлигини белгилайди. Белоруссиянинг “Ўсимлик дунёси тўғрисида”ги қонунига кўра, ўсимлик дунёсига – ёввойи ўсимликлар, табиий яшаш муҳитида бўлган ўсимликлар, боғдорчилик ва бошқа атроф-муҳитни шакллантириш, сувни муҳофаза қилиш мақсадида етиштирилган ва фойдаланиладиган ўсимликлар кириши белгиланган. Молдованинг “Ўсимлик дунёси тўғрисида”ги қонунида сотиш ёки истеъмол қилиш мақсадларида давлат ёки хусусий ер участкалари бўйича сунъий шароитда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ва ёввойи ўсимлик дунёси объектлари қўлланилмаслиги белгиланган. Шу муносабат билан, таъкидлаш жоизки, ўсимлик карантини ва ўсимлик генетик манбаларини муҳофаза қилишдан, пестицидлар, агрохимёвий моддалар ва уларни ишлатиш,

ўсимликнинг генетик ресурсларидан хавфсиз фойдаланиш, гени ўзгартирилган организмлар ҳақида гапириш мумкин ва яқин келажакда бундай муаммолар рўйхати кўпаяди. Худди шу тарзда, ўрмон ўсимлик дунёсининг бир қисми бўлса, ўрмонлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган айрим қоидалар ҳам умумий ўрмон қонунларига киритилиши мумкин.

Шу билан бирга, табиийки, ўрмонларни ишлатиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш ўсимликларга нисбатан қоидалар пайдо бўлишидан анча аввал содир бўлганлигини, бу батафсил, кенг қамровли ва ўзига хос бўлганлигини ҳисобга олиш даркор. Шунинг учун уни кўпроқ умумий қонунчиликка киритиш жуда қийин.

Юқорида қайд этилган барча мамлакатларда ўсимлик дунёсига оид қонун билан бир қаторда ўрмон тўғрисида қонунлар ҳам мавжуд, аммо ўсимлик дунёси ва ўрмон тўғрисидаги қонунлар ўртасидаги фарқни ажратиш масаласи биров бошқача. Ҳуқуқий тартибга солиш соҳаларини янада аниқроқ белгилаш, ўрмон фондида киритилмаган дарахт ва бўта ўсимликлари рўйхатини ўсимлик дунёси тўғрисидаги қонунчиликка асосан кенгайтириш давр талаби ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида: (янги таҳрирда): Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 сентябрь қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 26 сентябрь, 38-сон, 439-модда.
2. Аграрное и экологическое законодательство в России и СНГ (сравнительно-правовой анализ). /Отв. ред. С.А.Боголюбов, Е.Л.Минина. – Москва, 2018. – 235 с.
3. Боголюбов С.А. Правовое регулирование использования и охраны биологических ресурсов. – Москва: ИНФРА-М, 2018. — 128 с
4. Бринчук М.М. Принципы экологического права: монография. – Москва, 2013.